



УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА

международный научный журнал

№ 1 (48), январь 2019 г.

Редакционная коллегия

*А.В. Бурков, д-р. экон. наук, доцент (Россия), главный редактор.
Е.А. Мурзина, канд. экон. наук, доцент (Россия), технический редактор
В.В. Носов, д-р. экон. наук, профессор (Россия),
О.Н. Кондратьева, д-р. фил. наук, доцент (Россия),
Т.С. Воропаева, канд. психол. наук, доцент (Украина),
К.В. Дядюн, канд. юрид. наук, доцент (Россия),
У.Д. Кадыров, канд. психол. наук, доцент (Узбекистан),
Т.В. Ялялиева, канд. экон. наук, доцент (Россия),
Н.В. Щербакова, канд. экон. наук, доцент (Россия),*

*Учредитель:
ООО «Коллоквиум»
Первомайская, 136-а, Йошкар-Ола,
Республика Марий Эл, Россия, 424002*

*Издатель:
Scope Academic House LTD
Координатор в России ООО «Коллоквиум»*

*Адрес редакции:
Office 1 Velocity tower
10 st. Mary's gate
Sheffield, S Yorkshire, United Kingdom, S1 4LR*

*Редакторы:
Е. А. Мурзина (Россия)
Bred Foreston (Великобритания)*

Дизайн обложки: Студия PROекТ

Распространяется бесплатно.

*Полное или частичное воспроизведение
материалов, содержащихся в настоящем
издании, допускается только с
письменного разрешения редакции.
Мнение редакции может не совпадать с
мнением авторов.
Статьи публикуются в авторской
редакции.*

uch21vek@gmail.com

Сетевое распространение на [http: // www.uch21vek.com](http://www.uch21vek.com)

© Scope Academic House LTD

СОДЕРЖАНИЕ НОМЕРА

<i>Информационные технологии</i>	
Компьютерные вирусы и проблемы защиты от вирусов <i>Г.Т. Мирзоева, Г.М. Усмонова</i>	4
О системе Matlab <i>Х.Ю. Хамроева, А.Х. Саидов</i>	6
<i>Технические науки</i>	
Нақшбанд таълимотининг ёшларни касбга ўргатишдаги аҳамияти <i>Д.Н. Наимова</i>	8
Ўзбекистон дурдонаси –хон атлас <i>Д.Н. Наимова, Б.И. Наимов</i>	10
<i>Педагогические науки</i>	
The use of communication strategies in english language education <i>N.O. Abdullayeva</i>	13
Communicative language teaching approach in EFL context <i>P.Sh. Begbudieva</i>	15
The use of dialects in education and its impacts on students learning and achievements <i>K.R. Gafurova</i>	17
The role of vocabulary in teaching process <i>N. Sadieva, A.J. Karaeva</i>	19
Дистанционное обучение - как процесс развития <i>Л.Ф. Каримова, Т.М. Аслонова</i>	21
Важность слушания и понимания речи в преподавании английского языка <i>Н.Г. Рахимова, Г.Т. Эшонкулова</i>	23
Основные принципы педагогических технологий <i>Д.А. Убайдова, М.С. Ражабова</i>	25
Организация внеаудиторной работы по русскому языку <i>Х.И. Юсупова, З.Б. Рахмонова</i>	27
Методика преподавания темы квадратных уравнений <i>Ш.М. Имомова, Г.Ш. Фаттоева</i>	29
Средства, обучающие математике <i>Г.Э. Яхшиев, З.Ш. Ахтамова</i>	31
Методы воспитания молодежи в духе борьбы со злом <i>Д. Хотамова</i>	33
Practical tools of physical education and sporting events <i>M.M. Turaev</i>	35
The role of physical education and sport in the spiritual formation of students <i>O.Kh. Uzokov</i>	37
Методы использования инновационных технологий обучения в учебном процессе <i>Н.Т. Тошева, Х.О. Азимова</i>	39
Табиий фанларни ўқитишда амалий ва педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш усуллари <i>Ф.М. Халилова, Ф.Ф. Иброхимова</i>	41
<i>Филологические науки</i>	
Different usages of noun-part of speech by international-uzbek students and native speakers of english <i>M. Absamadova, S. Ibragimova</i>	43
The role of vocabulary games in teaching foreign languages <i>M.H. Azimova, M.U. Rakhmonova, Z. Baronova</i>	45
Teaching english rules through foreign language material <i>L.A. Usmanova</i>	47
The efficiency of graded reading in language learning process <i>S.A. Atamuradova, N.N. Khamrakhanova</i>	50
Technology integration in language teaching <i>M.F. Shavkatjonova</i>	53

УДК 002:001.4

THE ROLE OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORT IN THE SPIRITUAL FORMATION OF STUDENTS

O.Kh. Uzokov¹

Abstract

The article provides information about the role of physical education and sport in the spiritual formation of students.

Keywords: maturity, perseverance, courage, difficulties, self-control, discipline, harmony.

Барчага маълумки, касбий тайёрланган, таълим олган, маънавий ва ахлоқий бой, жисмоний соғлом шахсиз иқтисодиётда, ижтимоий ва маънавий соҳаларда, давлат ва жамиятда ривожланиш, ўсиш бўлмайди. Шунинг учун ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор мақсади узлуксиз таълим тизими салоҳияти, ижтимоий институтларнинг ўзаро муносабати, шунингдек, жисмоний тарбия ва спортнинг улкан имкониятини қўллаш орқали баркамол шахсни тарбиялаш ҳисобланади. Жисмоний тарбия жараёнида шахсни шаклланишидаги эришган ютуқлари қанчалик жисмоний тарбиянинг махсус вазифалари муваффақиятли амалга оширилганлигига кўра ҳамда ушбу жараёнда қанчалик баркамол шахснинг ривожланишидаги имконияти қўлланилишига кўра аниқланади. Талабаларда жисмоний тарбия жараёни орқали ахлоқий хулқ-одоблар, иродани ривожлантирувчи сифатлар: матонатлик, қатъиятлик, жасурлик, оғир-вазминлик, ўзини тута билиш кўникмалари шаклланиб боради. Жисмоний машқлар асосан жамоада амалга оширилади, шунинг учун ҳам ҳамкорликдаги ҳаракат фаолиятининг мазмуни ва унинг педагогик бошқарилиши талабаларнинг ўзларини жамоада қандай тутишларини билишларига, унинг мақсадларига бўйсунушига, уни ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиши керак. Ўйинларда, мусобақаларда рақибга, жамоадаги ўртоғига, ҳакамларга махсус муносабатлар шаклланиб боради. Спорт этикаси спорт фаолияти жараёнида белгиланган қоида ва хулқ-атвор қоидаларига амал қилиш билан боғланган бўлиб, унда ушбу қоидалар мустаҳкамланади ва кундалик ҳаёт воқелигига тадбиқ этилиб борилади. Оғир-вазминлик, камтарлик, инсонларга, рақибларига ҳам ҳурматда бўлиш, адолатсизликка ҳамда спорт курашидаги ғирром вазиятларга, ҳолатларга чидай олмаслик, меҳнатсеварлик, интизомлилик – бундай сифатларни тарбиялаш барча жисмоний тарбия машғулотларида ҳамиша алоҳида аҳмиятга эга бўлиши керак. Жисмоний тарбия жараёнида интизомлиликни, ҳамжиҳатлиликни тарбиялаш белгиланган қоидаларга амал қилишни ўргатиш, баъзи бир ҳолатларда (ахборот (рапорт) бериш тартиби, машқларни бажаришни тўхтатиш, ўқитувчи, ҳакамнинг ишорасига кўра ўйинни тўхтатиш) анъанавий бўлиб борилиши назарда тутилади. Сафда туриш машқлари, қайта сафланиш, сафни ёймоқ кўрсатмаларни аниқ бажарилишини талаб қилиниши ҳам интизомга ўргатади. Сафланишни назорат қилиш – ташкиллаштирилган ва тартибланганликни текширишнинг яққол мисолидир. Жамоавийликни тарбиялаш ўз ичига хушмуомалалик, одоблилик, ўртоқларига иззат-ҳурматда бўлишни қамраб олади. Бундай меъёрларнинг бажарилишини талаб қилиш бир қатор қоидалар билан мустаҳкамланади. Хусусан, ҳар бир мусобақанинг тугаши билан унинг иштирокчилари юзага келган ҳис-тўйғуларга қарамасдан бир-бирини қутлаши керак; беҳосдан қоидани бузган ўйинчи қўлини кўтариш орқали хабар бериши керак ва бошқалар. Айниқса, ўйин энг қизғин нуқтасига чиққанда, ўзининг манфатлари йўлида ҳаракат қилганда ўртоғига ёрдам бериш мақсадида ўзини тийиши жудаям кадрланади. Саёхатли сафарлар иштирокчиларига уларда ўртоғининг

¹Узоков Ориф Хамроевич, факультет физической культуры, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

хавфсизлигига жавобгарлигини тарбияловчи махсус эҳтиёт қилиш ва ёрдам бериш кўникмаларини ўргатишади. Жамовийлик бурчини, жамоа олдида жавобгарликни тарбиялаш жамоавий топшириқларни бажариш жараёнида, ўйинлар вақтида ҳар бир иштирокчи уммий мақсадлар остида ҳаркат қилганда муваффақиятли амалга оширилади. Жисмоний тарбия жараёнида талаба-ёшларда фуқаролик жавобгарлигини шакллантириш жулаям зарурдир. Шахс шаклланишида иродани тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади. Ўз олдида мақсадаларни қўйиш ва уларга эришиш орқали инсон турли-хил тўсиқларни бартараф этишда фақатгина жисмоний куч эмас, балки маънавий кучлар ҳам даркордир. Мақсадга эришиш йўлида тиришқоқлик, меҳнатсеварлик жудаюм зарурдир. Ўзини назорат қила олиш лаёқатидан қаноатланиш ҳиссиёти шахснинг ўз мавқеини аниқлаб олишига ёрдам беради.

Оғир-вазминликни тарбиялаш иродани тарбиялашнинг муҳим томони ҳисобланади. Ушбу сифат жисмоний тарбия машғулотларида фаол ҳаракат фаолиятини амалга оширишда, айниқса ўйинлар ва мусобақаларда ортиқча эмоциональ таъсирдан қўзғалишни бостиришда намоён бўлади. Ўйинлар мобайнида атрофдагиларга ва риқибларга бир хил меъёргади муносабатни номоён қилиш тавсия этилади. Бундай ҳолатларда уларга ёрдамни ҳакамлар ва оммавий спорт тадбирлари, мусобақа ташкилотчилари кўрсатиши керак. Меҳнат ва жисмоний тарбиянинг ўзаро-алоқадорлиги жисмоний тарбия мақсадининг ўзи билан, яъни ёшларнинг ижодий ишлаб чиқариш меҳнатига тайёрлашда ҳар томонлама жисмоний тайёргарликни таъминлаш натижаси билан асосланилади. Жисмоний тарбия жараёнида ушбу боғлиқлик бевосита меҳнатнинг ҳар хил турларида: ўқув, жамоавий фойдали, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўринишларида иштирок этиш орқали намоён бўлади. У фақатгина шахсий манфаатлар учун эмас, балки жамоавий манфаатлар учун ҳам йўналтирилган бўлиб, талабалар спорт жиҳозларини тузатишга, спорт майдонлари ва иншоатларини ободонлаштиришга, ўқув қўлланмаларни тайёрлаш ва бошқаларга жалб қилинади. Англанган ва кўнгилли жисмоний меҳнат талаба-ёшларда топширилган иш учун жавобгарлик ҳиссини шакллантиради. Жисмоний меҳнат тўғри ташкиллаштирилганда жисмоний сифатларни ривожлантиришга, саломатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. – Киев, 1999 г.

© О.Х. Узоков, 2019.

УДК 800

МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ОБУЧЕНИЯ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ

Н.Т. Тошева¹, Х.О. Азимова²

Аннотация

В статье проанализированы методы использования инновационных технологий обучения в учебном процессе и их место в учебно-воспитательном процессе.

Ключевые слова: инновация, методы обучения, технология, смешенного обучения.

Замонавий таълим жараёнини ташкиллаштиришда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш бугунги кунда таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

“Инновацион таълим технологиялари” ёрдамида ўқитиш жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресссўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усуллари қўллаш назарда тутилади. Бундай технологияларга амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологиялари)га асосланган ўқув-билиш фаолиятини киритиш мумкин. Дарс жараёнини ташкил қилишда асосан қуйидаги технологиялар мавзуну ўзлаштиришга яхши самара беради.

“Фсму” технологияси: “Фсму” технологиясининг асосий характеристикаси қуйидагича: Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, бахс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув- семинари якунида ўқувчиларнинг ўқув машғулоти хамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач қўлланилиши мумкин. Чунки бу технология ўқувчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда бахслашишга, шу билан бир каторда талабалар томонидан ўқув жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга хамда тингловчиларни бахслашиш маданиятига ургатади.

Технологияни қўлашда талабаларни тарқатилган оддий коғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчига ФСМУ технологиясининг турт босқичи ёзилган коғоз варақларини тарқатади ва яқка тартибда уларни тулдиришни илтимос қилади.

Ф — фикрингизни баён этинг;

С — фикрингиз баёнига сабаб курсатинг;

М — курсатган сабабингизни асословчи далил келтиринг;

У — фикрингизни умумлаштиринг.

Ўқитувчи талабалар билан бахс мавзусини белгилаб олади.

- ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида химоя қилишларини сўрайди.

¹Тошева Нурзода Тоштемуровна, старший преподаватель, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

²Азимова Хулкар Отамурод қизи, студентка, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

Дарс жараёнида таълим технологияларидан яна бири “Скарабей” интерфаол технология булиб, у ўқувчиларда фикрий богликлик, мантик, хотираларининг ривожланишига имконият яратади, кандайдир муаммони хал килишда уз фикрини очик ва эркин ифодалаш махоратини шакллантиради. “Скарабей” технологияси универсал технологиялардан булиб, ундан ўқув материалларини ўқувчилар томонидан эгаллашнинг турли боскичларида, яъни: -бошида - ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида («Аклий хужум»);

-мавзуни ўрганиш жараёнида — унинг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилаш;

мавзу мазмуни ичидаги асосий қисмлар, тушунчалар, алоқалар характерини аниқлаш, мазмунни янада чуқурроқ урганиш, янги жиҳатларини курсатишда;

-охирида - олинган билимларни мустаҳкамлаш ва яқунлаш мақсадида фойдаланиш мумкин. “Скарабей” технологияси ўқувчилар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятнинг фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Технология ўқувчилар тажрибасидан фойдаланишни кузда тутати, рефлексив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба утқизиш имкониятларига эга.

Таълим жараёнида фойдаланиладиган технологиялар бир қатор **тарбиявий** характерга эга, яъни узгалир фикрини ҳурмат қилиш, жамоа билан ишлаш махорати, фаоллик, ҳушмуомалалик, ишга ижодий ёндашиш, мавжуд имкониятларни курсатиш, уз қобилияти ва имкониятларини текшириш каби хусусиятларни шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ёлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадқиқий асослари – Т.: 2006.

© Н.Т. Тошева, Х.О. Азимова, 2019.